

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ЎЗБЕКИСТОН “АДОЛАТ” СОЦИАЛ-
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРГА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
БУХГАЛТЕРИЯ ВА АУДИТ ФАКУЛТЕТИ



“ИЖТИМОЙ ФАНЛАР” КАФЕДРАСИ

“ТАЛАБА ЁШЛАРДА ТОЛЕРАНТЛИК ДУНЁҚАРАШINI
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРИ”

Республика илмий – амалий конференцияси

**ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР
ТЎПЛАМИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ЎЗБЕКИСТОН “АДОЛАТ” СОЦИАЛ-
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
БУХГАЛТЕРИЯ ВА АУДИТ ФАКУЛТЕТИ



“ИЖТИМОЙ ФАНЛАР” КАФЕДРАСИ

“ТАЛАБА ЁШЛАРДА ТОЛЕРАНТЛИК ДУНЁҚАРАШINI
ШАҚЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРИ”

Республика илмий – амалий конференцияси

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР
ТЎПЛАМИ

Тошкент

2019 йил 14 май

Маматкулова М. - Ёшлар ахлокий тарбиясида толерантлик омилларининг ўрни.....	218
Ахмедов А.А. - Диний бағрикенглик – сиёсий баркарорликни таъминлашнинг муҳим омили.....	221
Qurbonova G.A. – Talabalarda tolerantlik dunyoqarashi shakllantirishda o'yin metodining ahamiyati.....	223
Мўминов А.З. - Ўзбекистонда экологик туризм ва толерантлик уйғунлиги масаласи.....	226
Тиллабаев С.Б. - Уникальный источник по истории развития идеи толерантности в Туркестана.....	229
Бўриев М.Р. - Миллий ва диний кадрятлар асосида ёшларни тарбиялаш.....	231
Umarov K.X. - Yosh rahbar kadrlar faoliyatida boshqaruvchanlik qobiliyatini shakllantirish.....	234

IV. ШУЪБА: ТОЛЕРАНТЛИК ТАЛАБАЛАР НИГОХИДА

КИРИШ.....	237
Tuxsanov E.D. - Diniy sekta – e'tiqod dushmani.....	237
Рашитова С. - Толерант дунёқарашни ёшлар онгига синдиришда миллий ғоянинг ўрни ва роли.....	240
Жайлиев О. - Ислоҳ ва толерантлик.....	243
Нуралiev С. - Толерантлик ҳам бағрикенглик тушунчаларининг ўзаро нисбати.....	245
Ўроков О. - Ранг-баранглик ва толерант тарбия.....	246
Тўқсонов Э. - Толерантлик шароитида турли қарашларнинг аҳамияти.....	247
Хашимова Г.А., Искандарова Ш. - Толерантность как основа диалога в современном мире.....	248
Мухтарова Т. - Ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда “Обод киншлок” ва “Обод маҳалла” дастурида маҳалланинг ўрни ва роли.....	251
Назирова И. - Туризмни комплекс ривожлантириш – давр талаби.....	254
Нурбобоев Х. - Толерантлик ҳамда Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари.....	257

Байалиев Д.К. - Диний бағрикенгликнинг миллатлараро муносабатларга таъсири.....	163
Абдуллаханова Г.С. - Роль и значение религиозной толерантности в сохранении мира и стабильности в стране.....	167
Қўлдошев А.Т. - Диний бағрикенглик ва миллатлараро тоғувлик ижтимоий баркарорлик омили.....	170
Илҳомжонов Л., Закирова Д. - Ёшларда диний бағрикенглик – тинчлик ва баркарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти сифатида.....	173
Сандуродова Т.Т., Бобоев А. - Ҳозирги замон шароитида диний толерантлик муаммоси.....	177
Обидов А. - Харакатлар стратегияси асосида ёшларда миллий ва диний бағрикенглик тамойилини шакллантириш.....	179
Мирзаев М. - Толерантлик – миллий ва диний кадрят сифатида.....	181
Бўриев М.Р. - Миллий ва диний кадрятлар асосида ёшларни тарбиялаш.....	184
Хамроев С.С. - Глобаллашувнинг миллий давлат суверенитетига таҳдидларини олдини олишда толерантлик ғоялари.....	186
Эшонкулова Н.А., - Инсон ҳаёти ва бахти ҳақида диний - фалсафий мушоҳадалар.....	188
Худойкулов Й.А., Мамарахимов Қ. Х., - Ўзбекистонда динлараро бағрикенгликни таъминлаш маънавий соҳадаги ислохотларнинг муҳим йўналиши сифатида.....	191
Ризаев И.И., - Глобаллашув жараёнида миллатлараро тоғувлик ва диний бағрикенглик.....	193
Бедилова А.М., Исмаилова С.Р. - Деловой этикет в воспитании молодёжи.....	196
Исмаилова С., Бедилова А. - Зачем нужно читать книги?.....	198
Исакова З.Р. - Глобаллашув шароитида миллий ва диний бағрикенгликнинг жамият таракқиётидати аҳамияти.....	200
Tolibov A. - O'zbek va koreys xalqlari tarixiy shakllanish jarayoni va madaniyatining o'rganilishi.....	203
Отақулов Ш. - Бағрикенглик тамойили миллатлараро ҳамжихатликнинг асоси.....	207
Норов Т.О. - Навоий гуманизмидаги эътиқод ва бағрикенглик ғояларининг замонавий ижтимоий жараёнлар билан уйғунлиги.....	209
Турсунов Ф.Ф. - Бағрикенглик (толерантлик) – юксак фазилят.....	214
Xasanova G.B. - Yoshlarni bag'rikenglik ruhida tarbiyalash – barqarorlik omili.....	216

ЁШЛАРДА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК – ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ МУСТАХКАМЛАШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ СИФАТИДА

*Илҳомжонов Л.,
ТДИУ “Иътимомий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси,
Закирова Д.,
ТИҚХММИ “Гуманитар фанлар” кафедраси ассистенти*

Ўзбекистонда Харакатлар стратегиясининг амалга оширилиши мамлакатни ислох қилиш ва модернизациялаш, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган ҳукукий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, қонун устуворлигини, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлат чегараларининг дахлсизлигини, жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш йўлидаги шахдам ҳаракатларига янги куч бағишлайди. Динлараро бағрикенглик ғояси – турли хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниётлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашни аниқлатади. Азалдан дин аксарият маънавий кадрларни ўзида мужассам этиб келади. Миллий кадрларнинг асрлар оша безавол яшаб келётгани ҳам диннинг ана шу табиати билан боғлиқ. Чунки дунёдаги динларнинг барчаси эгулик ғояларига асосланади. Яхшилик, тинчлик, дўстлик каби фазилатларга таянади. Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасида таъкидлаб ўтилганидек, “Ўзбекистон миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида ўз анъаналарига доимо содиқ бўлиб, бу йўлдан ҳеч қачон оғишмасдан илгари боради.

Мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга биринчи даражада эътибор қаратилади.

Бу – бизнинг энг катта бойлигимиз ва уни кўз қорачигидек асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиздир”⁸⁵. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизидан зиёдини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” (2016)ги қонунини таъкидлаганидек, ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш, ёшлар учун очик ва сифатли таълимни таъминлаш, ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шайқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш, ёшларнинг ҳукукий онги

сингдиришимиз даркор. Айнан ана шундай инсонлар ва уларнинг эгу ишлари тўғрисида бу ёруғ оламда халқ хамиша фаровон ҳаёт кечиради.

Эътибор берган бўлсангиз, ҳозирги замонавий кинофильмлар бир вақтнинг ўзида турли давлатларда катта экранларда кўйилади, китоблар кўп тилларга таржима қилинади ва тез оммалашиб кетади. Шунинг учун маданий глобаллашувда катта ўрин интернетнинг жадаллашувига берилса, хато бўлмайди. Бинобарин, социялар ичида ер шарининг ҳар қандай нуқтасидаги воқеа ва ҳодисалардан хабар топишимиз, бутун ҳеч қимни хайрон қолдирмайди. Мана шундай шиддатли суръатларда биз кимнинг авлодлари эканлигини унутмайлик, дунё тан олган мутафаккирлар, юксак сарқарда бўлган боболаримизга муносиб вориб бўлмоғимиз лозим. Ахир, минтақамизда асрлар давомида турли дин ва конфессия вакиллари аҳил ва иноқ бўлиб умргузаронлик қилишган.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида диний ва этник масалаларни рўқач қилиб, ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга интилаётган кўлаб миллий ҳаракат ва партиялар фаол ҳаракат қилмоқда. Миллий озчиликларга, митрантларга нисбатан чекловчи чоралар кўришга чақираётган сиёсатчилар айрим жойлардаги сайловларда электрорат овозларнинг сезиларли қисмини олиб, жамиятлардаги миллатлараро кескинликни кучайтирмоқдалар. Айтиш керакки, баъзи тараққий этган давлатлар ички миллатлараро кескинлик окибатида узоқ вақтдан бери парчаланиш хавфи олдида турибди.

Давом этаётган кескин глобаллашув жараёнида мамлакатимиз фуқаролари орасида ҳам турли бузғунчи этник ва диний гуруҳ аъзоларининг учраб туриши инсон дилини хира қилмасдан қолмайди албатта. Улардаги бошқа дин ёки миллат вакилларига нисбатан нафрат ҳамда тоқатсизлик ва муросасизлик ҳолатларини баргараф этиш куннинг дозарб масаласига айланмоғи даркор.

Биз жаҳон тараққиёти билан бирга одим ташлашни мақсад қилган эканмиз, мамлакат олдида турган амалий вазифаларни ҳал этишда кўп миллатли жамиятимизнинг хусусиятларини эътиборга олиш зарур. Бошқача айтганда, олға ҳаракатнинг белгилловчи омили бўлмиш миллатлараро иноқлик тажрибасини доимо назарда тутиб, шунга амал қилмоқ лозим. Мухтасар қилиб айтганда, жамиятда толерантликнинг роли ва аҳамияти унинг моҳиятидан келиб чиқади. Айни пайтда кишилар асосий оммасининг турли мафкуравий назарияларга, маънавий, диний қарашларга, маданий ҳодисаларга, турли миллат кишиларига муносабат йўналиши ва даражаси ижтимоий барқарорликни кўп жиҳатдан белгилаб беради.

⁸⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси. – Т.: Ўзбекистон НМБҲУ, 2019 – 57-58 – бетлар.

ва ҳукукий маданияти даражасини юксалтириш⁸⁶ каби давлат сиёсатининг асосий йўналишларида кайд этилган. Дарҳақиқат “Янги авлодни тарбиялаш – халқни тарбиялаш деганидир”. “Биз, - деган эди Президентимиз 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлиса Мурожаатномасида, - ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш тўғрисида”ги қонунни янги таҳрирда қабул қилдик. Шу асосда янгича ёндашувлар ҳаётга фаол жорий этилмоқда⁸⁷.”

Шуни алоҳида айтиб ўтиш жоизки, дин давлатдан ажратилгани билан, жамиятдан ажратилган эмас, балки жамиятнинг, ёшларнинг маънавий-маърифий ривожига таъсир кўрсатиб келган ва шундай бўлиб қолади. Демак, дин виждон иши экан, у одамлар қалби, ботиний олами, рухияти билан алоқалор ҳолиса. Одамзотнинг ўзини-ўзи англаш, ўзининг моҳияти, яратилиши, бу дунёдаги фаолияти, ахлокий қарашлари кўп ҳолларда дин орқали амалга ошади. 130 дан зиёд миллат ва элат истиқомат қилаётган, аҳолисининг руҳий ва маънавий эҳтиёжлари ранг-баранг бўлган Ўзбекистондай мамлакатда тили, миллати, irqи, дини ижтимоий мавқеидан қатъи назар, инсонни ёшларни улуғлаш давлат сиёсатининг бош йўналишидир. Айни пайтда, Ўзбекистонда ислом дини билан бир қаторда православлар, баптистлар, яҳудийлар, адвентистлар, католиклар, лютеранлар, бахотийлар, кришначилар буддавийлар Йегова шохидлари сингари бир қанча дин ва мазҳаблар мавжуд. Бугунги кунда республикада 16 та диний конфессия мавжуд. Агар собиқ мустабид тузуми даврида юртимизда 80 га яқин масжид фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 2 минг 42 тани ташкил этмоқда⁸⁸. Республикада фаолият юритаётган Тошкент ислом институти ва Бухородаги Мир Араб олий мадрасасида 366 нафар талаба таҳсил олмоқда. Уларга илм ўргатаётган 87 нафар ўқитувчидан 12 нафари фан номзоди ва 38 нафари фан магистри илмий даражасига эга. Ўрта махсус ислом билим юртиларида эса жами 1071 талабага 246 нафар педагог дарс бермоқда. Улардан 12 нафари фан номзоди ва 33 нафар магистрлик илмий даражасига эга. Ушбу илмий даражалар учун химоя қилинган диссертацияларнинг мавзулари бевосита ислом дини йўналишида бўлмай, илмий изланишлар, асосан, ёндаш соҳаларда олиб борилганини таъкидлаш зарур⁸⁹. Шунингдек, 170 дан зиёд ноисломий диний ташкилотлар расман фаолият кўрсатмоқда; 157 та христианлик, 8 яҳудий, 6 бахотий, 1 Қришнани англаш жамоаси ва 1 та буддавий ибодатхонаси мавжуд. Уларнинг ҳар бирининг ўз мафкураси, тартиб-қоидалари, ҳаёт тарзи ва

дунёқарши, талаб ва эҳтиёжлари мавжуд. Ана шу ўзига хосликдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида: “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга”⁹⁰, деган модда киритилган.

Ёшларда динни англаш у қайси дин бўлишдан қатъи назар инсон қалбини мунаваар этишга, унда меҳр-оқибат, саховат, саҳийлик, эзгулик, халоллик хисларини ривожлантиришга хизмат қилади. Шуниси қувонарлики, тарих саҳифаларида динлараро муносабатларда халқимиз шуурига сингиб кетган диний бағрикенглик туфайли биронта динлараро ва миллатлараро низолар қайд этилмаган.

Динлараро бағрикенглик гоёси эзгулик йўлида нафақат динлараро, балки бутун жамият аъзоларининг ҳамкорлигини назарда тутади. Бу ҳолат юртимизда тинчлик ва бағрикенгликни сақлашнинг муҳим шарти эканлигини ифодалайди. Ўзбекистонда турли динлар ва дин вақиллари ўртасида умуминсоний қадриятлар асосида биродарликни мустаҳкамлашга эътибор берилмоқда. Мамлакатимизда иктисодиёт, сиёсат, давлат қурилиши, ҳуқуқий тизим ва жамиятни маънавий ўзгариш соҳасида кенг қўламли ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқнинг ҳуқуқи онги ва ҳуқуқий маданияти даражаси билан белгиланади. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва олоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий ва диний қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмаганлиги қайд этилди⁹¹. Шу боисдан ҳам фармонда “Юксак ҳуқуқий маданият – мамлакат тараққиёти қафолати” деган концептуал ғоя асосида аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларини қундалик ҳаётда қўллай олишлари учун тизимли ва кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил қилиш давлат органи ва ташкилотларнинг устувор вазифаларидан бири этиб белгилаб берилди. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш “шахс – оила – маҳалла – таълим муассасалари –

⁸⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2017. – 13-бет.

⁸⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, 2019 йил 10 январь.

⁸⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунини // Халқ сўзи, 2016 йил 15 сентябрь.

⁸⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисага Мурожаатномаси. Т.: Ўзбекистон НМИДУ, 2018. – 71-бет.

⁹⁰ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлиамизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Жилд 1.

– Т.: Ўзбекистон НМИДУ, 2017. – 466-бет.
⁹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 декабрдаги “Ўзбекистон ислом академиясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Халқ сўзи 2017 йил 16 декабрь.

ташкилот – жамият” принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилиши белгилаб берилди.

Миллий кадрятлар толерантликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутаяди. Толерантлик – ўзлигини англаган миллат вакилларнинг бошқа миллат вакиллари томонидан камситилишига йўл қўймаслик, улар билан тинч фаровон ҳаёт кечирishiдир. Толерантлик туйғуси инсоннинг хулқ-атвори, одоби-ахлоқи, сиёсий-маънавий поклиги, ўз халқи ва миллий мероси, миллий кадрятларга бўлган муносабатини белгилаб беради. Бу хусусиятлар эса ҳар бир инсонда бағрикенглик, байналминналлик туйғуларини уйғотади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясини қабул қилиш тақлифини билдирган эди. “Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиغانларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон мурося қила олмаймиз. Исломи дини бизни эзгулик ва тинчликка, асли инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади.”⁹² деб таъкидлаган эди. Ушбу халқаро ҳуқуқий ҳужжатда маърифат инсониятни ташвишга солаётган терроризм, экстремизм каби глобал муаммоларнинг самарали ечими сифатида кўрилади. Ўзбекистоннинг жафокаш афгон халқи муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги ташаббуслари БМТга аъзо бўлган 193 та давлатлар томонидан 2018 йил 12 декабрда қўллаб - қувватланди ва қабул қилинди. Резолюция турли динларга мансуб кишилар ўртасида бағрикенгликни таъминлаш, уларнинг виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқини кафолатлаш инсоният ўртасида ўзаро аҳил ва дўстона муносабатлар қарор топишининг муҳим омиллидир.

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ШАРОИТИДА ДИНИЙ ТОЛЕРАНТЛИК МУАММОСИ

Саидмуродова Т.*

Т.Глиэр номли Республика мусиқа
АЛнинг катта ўқитувчиси, халқ маорифи аълочиси,
Бобоев А.,

ТДИУ Ижтимоий фанлар кафедраси доценти

Жамият ижтимоий-иктисодий, маънавий тараққий қила бориши билан толерантлик муаммоси ҳам долзарб аҳамият касб эта бошлайди. Чунки жамият иқтисоди қанча юксалса, демократик жамият шароитида инсон шунчалик эркин бўлади. Яъни кишилар иқтисодий мутелиқдан қутула борган сари маънавий ҳаётда эркин, ижтимоий ҳодисаларга ўз истағича муносабатда бўла бошлайди. Аммо ўз ички дунёси, виждони, маънавияти нимани буюрса, айнан ўлани намоён қила олмайди. Чунки шахслар ҳар хил, ҳар бирининг ўз қарашлари, бир-бирига тўғри келмайдиган ҳаёт ҳодисаларига муносабатлари мавжуд. Бошқани шахсан ўзи билан тенг кўра билиш ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон шахсини кадрлаш тамойили муҳим бўлиб бормоқда. Бу эса барча кишиларда толерант маданиятни шакллантиришни тақозо этади.

Толерант маданиятнинг шаклланиши ўзаро зид қарашларнинг қурашини баргараф қилиш эмас, уларнинг одилона, демократик асосда мунозара қилишидир. Фикрга қарши фақат фикр билан, ғояга қарши фақат ғоя билан қурашиш натижасидагина қураш самарали кечиши мумкин. Муҳими, мунозара қилувчи томонларнинг бир-бирини ҳурмат қилиши, обрўйини тўқмаслиги зарур. Бу эса юксак маданиятни, сабр-тоқатни тақозо қилади. Неча юз йиллардан бери толерант маданият тарғиб қилинишига қарамасдан бу соҳада ечилмай келаётган муаммолар ёки янги шароитда ўзгаришиш керак бўлган муаммолари талайгина. Вазият тақозоси билан янги муаммолар ҳам келиб чиқмоқда. Терроризм, экстремизм, қуч ишлатиш ҳолатлари айнан толерант муносабатнинг етарли шаклланмаганлиги оқибатидир. Масаланинг мураккаб томони шундаки, ўзаро мулоқотда бўлувчи ҳар иккала томоннинг ҳам толерант маданияти юксак бўлиши талаб этилади.

Динларнинг ўзаро муносабати тарихини эслар эканмиз, бир-бирини тан олмаслик, бир-бирини маъх этишга интилиш турли сиёсий қучлар таъсирида ҳалокатли оқибатларга сабаб бўлиб келган. Христианлар ва мусулмонлар ўртасидаги Салиб юришларини эсланг. Нотўғри, ноинсоний мақсадларни бир томонлама амалга оширишни кўзлаб, минг-минглаб бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлишига олиб келди. Ёки ҳозирги дунёдаги диний гуруҳларнинг ўзаро қураши, нодиний қучлар билан қураши, қарам-қарши қучларнинг бир-бирини маъх

⁹² Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳошир. 2-Жилд. - Т.: Ўзбекистон НМДУ, 2018. - 253-бет.